



ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ.

¹Маматқулова М.В
²Рўзиева М.М
³Мухаммадалиева Д.У

¹Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси
²талаба
³талаба

Аннотация; Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчининг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришда шахсининг ижодкорлик қобилияти шаклланганлик мезонлари ва даражаларини ишлаб чиқиш ва педагогика олий ўқув юртларида ўқув фаолиятида талабаларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш жараёнини самарали амалга оширилишини таъминловчи педагогик шароитлар ёритиб ўтилган.

Калим сўзлар. Ижодкорлик қобилиятлари, мотивация, педагогик ижод моҳияти, фаолият, педагогик механизмлар, педагогик ижод даражалари.

Таълим мазмунига ижодий фаолиятнинг турли даражаларига оид масалаларни киритиш шароитини кўриб чиқамиз. ОТМда ўқитиш учун масала – қандайдир ҳодиса, объект, жараён ҳақида ахборотлар тизими, унда ё маълумотларнинг бир қисми аниқ таърифланган, қолгани номаълум ёки маълумотлар, алоҳида тушунчалар, қоидалар ўртасида янги билимлар, далилиларни излаш, ўзгартириш, мувофиқлаштириш ва ш.к. ни талаб қиладиган номувофиқлик, зиддиятлар мавжуд.

Ижодий қобилиятларни бир неча дидактик функция билдириши мумкин, улардан бири унинг етакчи ролини белгилайди. Масалаларнинг турли таснифлари мавжуд. Ўқув масалаларнинг операцион тузилмаларига кўра бўлинган фанлараро таксономиясини Блум ажратган когнитив соҳадаги мақсадларга асосланиб, таклиф қилди:

1. Ўқувчилардан мнемик операцияларни талаб қиладиган масалалар (изланиш, қайта яратиш).
2. Элементарфикрлаш операцияларини талаб қиладиган масалалар (анализ, синтез, қиёслаш, тасниф, сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш).
3. Маълумотлар билан мураккаб фикрлаш операцияларини талаб қиладиган масалалар (индукция, дедукция, интерпретациялаш, верификациялаш).
4. Фикрлаш операциялари ҳақида қўшимча фикрларни талаб қиладиган масалалар (шарҳлар, ҳисоботлар, маърузалар ишлаб чиқиш; мустақил ёзма ишлар).

5. Ижодий фикрлашни талаб қиладиган масалалар (амалий иловалаш, кузатишлар ёки фикрлаш асосида аниқлаш, муаммони мустақил шакллантириш, муаммони ҳал қилиш).

Масалаларни ечишда продуктив ва репродуктив ҳаракатларнинг бирикувига кўра таснифланади. Репродуктив масалалар оғзаки шаклда берилган уларни қўллаш шартлари кўрсатилаган барча элементар қадамларни бажариш дастури бўйича бажарилади. Алгоритмик масалалар формула, қоида шаклида берилган алгоритм бўйича ишланади, яъни масалани ечиш учун алгоритмни кенгайтирилган дастур шаклида трансформациялаш керак бўлади. Шу сабабли муаммоли характердаги ҳаракатлар талаб қилинади.

Ижодий қобилиятларни алоҳида ва ижодий фаолият тажрибасини яхлит ўзлаштириш фақат муаммоли масалаларни ечиш йўли билан мумкин бўлади. Қолаверса, мураккаблик даражаси турлича машқлар тўпламини: номаълум вазиятда ҳаракатларнинг тахминий асосини ишлашга, эвристик тавсияларни қўллашга, ижодий фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантиришга машқларни танлаш зарур. Шу муносабат билан маълум конструктив шароитларни яратиш зарур: талабаларни ижодий фаолият механизмлари ҳақидаги ахборот билан қуроллантириш; таълим мазмунига ижодий фаолиятнинг турли даражаларига оид масалаларни киритиш; тегишли ўқув-методик таъминот. Ч.Т.Шокирова эса “Ижодий фаолият бизнинг кундалик ҳаётимизни жозибали қиладди, фан ва санъатни ижодсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ижодсиз математика, она тили ва бошқа фанлар тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз ҳар доим мураккаб фикрни ифодалаганимизда ёки оқ қоғозни матн билан қорайтирганимизда ижод қиламиз. Агар шу ишни самарали ва ғайриоддий тарзда уддалай олсак, бизни росмана ижод кишиси деб аташ мумкин,”- деб ўзининг таърифини келтирган .В.И.Загвязинскийюқори даражадаги илмий ва касбий компетентлик; ривожланган педагогик тафаккур, ижодий изланишга интилиш, педагогик техникани эгаллаганлик; маълум педагогик тажриба; интеллектуал малакалар, тасаввур ва интуиция-нинг етарли даражада ривожлантириш омилларини ўз тадқиқот ишларида ёртитиб берган. Ўрганилган илмий манбалар бўлажак ўқитувчиларни ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини илмий асослашда методик манба бўлиб хизмат қиладди.

Б.М.Тепловнинг нуқтаи назарича, қобилиятлар ва иқтидор – қобилиятларнинг ривожланиши учун насос вазифасини ўтайдиган инсоннинг туғма жисмоний хусусиятларини фарқлаш лозим. Қобилиятлар иқтидори – мия ва нерв системасининг қандайдир генетик детерминацияланган анатомик-физиологик хусусиятлари, қобилиятлар шаклланиш ва ривожланиш мураккаб жараёнининг индивидуал-табiiй омиллари саналади. Иқтидор кўп қиррали, шу боис улар асосида турли қобилиятлар ривожлантирилиши мумкин.Бўлажак ўқитувчиларни ижодий фаолият механизмлари ҳақидаги ахборот билан қуроллантириш турли йўллар билан амалга оширилди: ўқитувчи ҳикоячи, механизмни маъруза ва лаборатория машғулотида кўргазмали қўллаш (эвристика, аналогия, синтез орқали анализ механизми), ўқув адабиётлари бўйича ижодий фаолиятнинг тайёр стратегиялари билан танишиш (математик

масалаларни ечиш), эвристик тавсияларни биргаликда ишлаш (ЭХМда масала ечиш)ни талаб этади.

Трансформацияланган масалалар маълум формулаларни янги вазиятларда қўллашни талаб қилади, эвристик қадамлар муҳим рол ўйнайди. Ижодий-изланишли масалалар мантиқий таҳлил ва интуицияни бирлаштириб ечилади.

Ўқув фаолиятининг бўлажак ўқитувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида тегишлича ўқув-методик таъминоти ўқув адабиётлари (ижод, ижодий фаолият механизмлари, масала ечиш стратегияларига оид педагогик адабиётлар; олимпиада характеридаги масалалар тўплами); ижоднинг турли даражаларига оид масалалар тўплами; предмет характеридаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича эвристик тавсияларни ўз ичига олади. Ташкилий ҳолатлар ҳам анчагина муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчилар ижодий қобилиятларини ўқув фаолиятида ривожлантириш бўйича педагогик иш жараёнида таълимнинг умум томонидан қабул қилинган метод ва шакллари маълум ижодий бўёқдорлик касб этиши лозим. Шу сабабли ташкилий шароитни яратишда ўқув-ижодий фаолиятни ташкил қилиш метод ва шаклларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитишнинг айрим тадқиқотчилик, эвристик, муаммоли методлари ижодий фаолият тажрибасига ўргатишга мўлжалланган. Тадқиқотчилик методларининг функцияси: ижодий фаолият қирраларини шакллантириш; бу методларни излаш бўйича фаолият давомида илмий билиш методларини эгаллашни таъминлаш. Эвристик метод ижодий фаолият тажрибасини элементлар бўйича ўзлаштириш, муаммоли масалаларни ечишнинг айрим босқичларини эгаллашни таъминлайди. Фикрлаш мантиқи ва маданият эталони вазифасини муаммоли баён методи бажаради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Абдуллаева М. Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш.: Автореф. дис. ... пед. фан. бўйича фалсафа док. – Тошкент, 2017. – 50 б.

2. Шакирова Ч.Т. Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш ва дастурий назорат асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш: Дис. ... пед.фан.бўйича фал.док. – Андижон, 2009. – 167 б.

3. Теплов Б.М. Способности и одаренность. К 100-летию ПИ РАО. –№ 4 (33). Электронный ресурс: http://psyjournals.ru/files/93131/vestnik_psyobr_2012_n4_Teplov.pdf. Дата обращение: 15.12.2018.

4. Тилакова М. Юқори синф ўқувчиларинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. – Т.: Фан ва технология, 2016.

5. Толипов Ў.Қ. Ўқувчи шахси ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари.: Автореф. дис. ... пед. фан. док. – Тошкент, 2011.

6. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи шахси ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари. Методик қўлланма. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2011. – 51